

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил январь ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди Қарши тумани “Бунёдкор” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши туман прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED], фуқаровий даъвогарлар [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид 1-1802-2301/5-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] - [REDACTED] куни Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, тугалланмаган олий, “ТИҚХММИ” Миллий Тадиқиқот университети 1-босқич талабаси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Қарши тумани “ [REDACTED] [REDACTED], эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 4 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2022 йил 2 сентябрь куни соат 11⁰⁰ ларда Қарши тумани, Бешкент шаҳри, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] хонадонда яшовчи фуқаро [REDACTED] [REDACTED]нинг яшаш уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, девордан ошиш йўли билан ҳовлига кириб, дарвозасидан ўнг томондаги эшик-деразаси мавжуд бўлмаган қурилиши тугалланмаган хона ичкарасига ғайриқонуний равишда кириб, у ерда бўлган ҳар бирининг бозор баҳоси 800.000 сўмдан бўлган жами 1.600.000 сўмлик 2 дона сув насосларини яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилиб, ушбу ўғирланган 2 дона сув насосларини Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси ҳудудида жойлашган “Атлас” номли савдо мажмуасининг орқа томонидаги 666-сонли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишловчи [REDACTED] [REDACTED]га 400.000 сўмга сотиб юбориб, айнан шу хонадондан ўғирлик қилишга қаратилган умумий қасд билан қамраб



олинган жиноий қилмишини давом эттириб, 2022 йил 13 ноябрь куни соат 10⁰⁰ ларда Қарши тумани, Бешкент шаҳри, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] -рақамли хонадонда яшовчи фуқаро [REDACTED] нинг яшаш уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, хонадонга кириш дарвозасидан ўнг томондаги эшиги қулфланган хонага дераза орқали ғайриқонуний равишда кириб, хонанинг ичидаги шкаф устида бўлган бозор баҳоси 600.000 сўмлик 2 дона думалоқ шаклдаги ҳамда сандиқ ёнида турган бозор баҳоси 1.500.000 сўмлик 1 дона қовурғали электрли иситиш ускуналарини яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилиб, ушбу ўғирланган 2 дона думалоқ шаклдаги ҳамда 1 дона қовурғали электр токли иситиш ускуналарини Қарши шаҳар И.Каримов кўчаси худудида жойлашган “Атлас” номли савдо мажмуасининг орқа томонидаги ёйма бозорда сотувчи бўлиб ишловчи номаълум шахсга 1 дона думалоқ шаклдаги электр токли иситиш ускунасини 70.000 сўмга, 1 дона қовурғали электр токли иситиш ускунасини 180.000 сўмга сотиб юбориб, ушбу пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, айнан шу хонадондан ўғирлик қилишга қаратилган умумий қасд билан қамраб олинган жиноий қилмишини давом эттириб, 2022 йил 23 ноябрь куни соат 11⁰⁰ ларда Қарши тумани, Бешкент шаҳри, “Бодомзор” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] -рақамли хонадонда яшовчи фуқаро [REDACTED] нинг яшаш уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, хонадонга девордан ошиш йўли билан кириб, кириш дарвозасидан чап томондаги меҳмонхонанинг эшигини темир жисм билан бузиб очиб, эшик орқали ғайриқонуний равишда кириб, кириш эшигининг чап томонида жойлашган бозор баҳоси 5.000.000 сўмлик 1 дона “ROISON” номли 43 ўлчамли телевизорини яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилиб, ушбу ўғирланган 1 дона “ROISON” номли 43 ўлчамли телевизорни [REDACTED] а 800.000 сўмга сотиб юбориб, ушбу пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ўзига нисбатан қўйилган айбловларга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил 2 сентябрь куни соат 11 ларда ўғирлик қилиш мақсадида [REDACTED] нинг Қарши тумани, “Бодомзор” маҳалласи, [REDACTED] кўчасида жойлашган яшаш уйига девордан ошиб ўтиб ҳовлига, ундан сўнг эса қурилиши тугалланмаган хона ичкарасига кириб, у ерда бўлган 2 дона сув насосларни ўғирлаб олиб чиққани, хонадон эгаси бу ерда доимий яшамаслиги сабабли кейинчалик ҳам хонадондаги бошқа нарсаларни ўғирлашни ўзига мақсад қилиб қўйгани, ўша кун ўғирланган 2 дона сув насосларни Қарши шаҳрида жойлашган “Атлас” савдо мажмуасининг орқа томонидаги 666-сонли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлайдиган [REDACTED] а ўғирланганини айтмасдан 400.000 сўмга сотиб пулини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, 2022 йил 13 ноябрь куни соат 10 ларда яна [REDACTED] уйида ҳеч ким йўқлигида девордан ошиб



кириб, ҳовлининг ўнг томонидан эшиги қулфланган хонага дераза орқали кириб, у ерда бўлган 3 дона электр истиш печларини ўғирлаб олиб чиқиб, 3 дона электр печларни Қарши шаҳрида жойлашган "Атлас" савдо мажмуасининг орқа томонида жойлашган ёйма бозорга олиб бориб, ўзига нотаниш бўлган кишига 250.000 сўмга сотиб, пулини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, 2022 йил 26 ноябрь куни яна ўғирлик қилиш мақсадида [REDACTED] яшаш уйи ҳовлисига девордан ошиб кириб, ҳовлининг чап томонидаги меҳмонхонаси эшигини темир бўлаги билан бузиб кириб, у ерда бўлган бир дона "ROISON" номли 43 ўлчамли телевизорни ўғирлаб олиб чиқиб, телевизорни таниши [REDACTED] ўғирлик эканлигини айтмисдан 800.000 сўмга сотиб юборгани, суриштирув даврида ўғирлик жиноятлари фош этилгач жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, оилавий аҳволини ҳисобга олиб энгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, 2022 йил 2 сентябрь куни Қарши тумани, "Бодомзор" маҳалласи, [REDACTED] кўчасида жойлашган уйда ҳеч ким йўқлигида ҳар бирининг бозор баҳоси 800.000 сўмдан бўлган жами 1.600.000 сўмлик 2 дона сув насослари ўғирлангани, 2022 йил 13 ноябрь куни яна уйдан бозор баҳоси 600.000 сўмлик 2 дона думалоқ шаклдаги ҳамда бозор баҳоси 1.500.000 сўмлик 1 дона қовурғали электрли иситиш ускуналари ўғирлангани, бундан ташқари 2022 йил 23 ноябрь куни яна яшаш уйининг меҳмонхонасида бўлган бозор баҳоси 5.000.000 сўмлик 1 дона "ROISON" номли 43 ўлчамли телевизорни ўғирлангани, ушбу ўғирлик ҳолатлари юзасидан ИИБга мурожаат қилгани, суриштирув даврида уйдан мол-мулкларини судланувчи [REDACTED] ўғирлаб сотиб юборганлиги аниқланиб, тергов жараёнида мол-мулклари қайтарилиб, етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, шу боисдан судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан энгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, судланувчини шу иш юзасидан таниши, Қарши шаҳридаги "Атлас" савдо мажмуаси орқа томонида жойлашган 666-сонли савдо дўкони борлиги, 2022 йил 2 сентябрь куни тушлик вақтида [REDACTED] 2 дона сув насосларини олиб бориб, сув насослари ўзига тегишли экани, пул зарур бўлгани учун сотмоқчи эканини айтгани сабабли унинг гапларига ишониб, 2 дона сув насосларни 400.000 сўмга савдолашиб сотиб олгани, суриштирув даврида [REDACTED] сув насосларни жабрланувчи [REDACTED] нинг уйдан ўғирлагани аниқлангани, айтилган вақтда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, шу боисдан судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан энгиллик беришни сўради.



Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, судланувчини шу иш юзасидан танишини, Қарши шаҳридаги Шарқ кўчасидаги 4-сонли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлашини, 2022 йил 13 ноябрь куни [REDACTED] савдо дўконига 1 дона қовурғали электр иситиш ускунасини олиб бориб, ўзига тегишли экани, пул зарур бўлгани учун сотмоқчи эканини айтгани сабабли унинг гапларига ишониб, 1 дона қовурғали электр иситиш ускунасини ундан 180.000 сўмга савдолашиб сотиб олгани, суриштирув даврида [REDACTED] электр иситиш ускунасини жабрланувчи [REDACTED] уйдан ўғирлагани аниқлангани, айти вақтда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, шу боисдан судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий [REDACTED] суд мажлисида, судланувчини илгардан танишини, 2022 йил 23 ноябрь куни [REDACTED] ўзига тегили бир дона "ROISON" номли 43 ўлчамли телевизорини пул зарур бўлиб қолгани учун сотмоқчи эканини айтгани учун унинг гапларига ишониб, ундан телевизорни савдолашиб 800.000 сўмга сотиб олгани, суриштирув даврида [REDACTED] телевизорни жабрланувчи [REDACTED] нинг уйдан ўғирлагани аниқлангани, айти вақтда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, шу боисдан судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, олинган ашёвий далиллар ҳамда ишда тўпланган барча далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд судланувчи [REDACTED] айб квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ўғирлик жиноий ҳаракати такроранлик белгиси билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддасининг 3-қисмида, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги кўрсатилган. [REDACTED] 2022 йил 2 сентябрь, 13 ва 23 ноябрь кунлари айнан бир хонадон, яъни жабрланувчи [REDACTED] Қарши тумани, "Бодомзор" МФЙ, Ўрикзор кўчасида жойлашган [REDACTED]-рақамли хонадонига уч марта ғайриқонуний равишда кириб, ўғирлик содир этган. Ўзи судда ушбу хонадонга биринчи марта кирганидаёқ, сув насосларини олгани ва келгусида яна айрим нарсаларни ўғирлаш учун келишини мақсад қилиб қўйганини маълум қилди. Бундай ҳолатда суд [REDACTED] ягона қасд



билан қамраб олинган бир бирига ўхшаш қилмишлардан иборат давомли жиноятни содир қилган деб топиб, унинг айбидан такроранлик белгисини чиқариб ташлашни ҳамда унинг уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жинойи ҳаракатини ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, судланувчи ёки унинг ота-онасининг меҳнатга лаёқатсизлиги, ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори ва ҳ.к.)”лиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] айбига иқроп ва қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани ва уларнинг даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, шунингдек унинг шахсини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани ва биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этганини, институтда талаба эканлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида кўрсатилганидан ҳам камроқ муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд иш бўйича моддий зарар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона 2 дона сув насослари, 1 дона “ROISON” русумли, 43 ўлчамли телевизор ва 1 дона қовурғали электр иситиш ускунаси жабрланувчи [REDACTED] қайтарилгани ҳамда жабрланувчи ва фуқаровий даъворларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани ва уларнинг судланувчига нисбатан даъволари йўқлигини қайд этишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва сутканинг кеч соат 21:00 дан эрталаб соат 07:00га қадар яшаш жойи, яъни Қарши тумани, “Бодомзор” МФЙ, [REDACTED] дан чиқиши чеклансин.

Унинг зиммасига институтда ўқиши билан боғлиқ бўлган тадбирлардан бошқа оммавий тадбирларда иштирок этмаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш, ўқиш ёки иш жойини ўзгартирмаслик тақиқлари юклансин.

Жазони ижро этиш Қарши туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазо муддати маҳкум ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил бир дона 2 дона сув насослари, 1 дона “ROISON” русумли, 43 ўлчамли телевизор ва 1 дона электр иситиш ускунаси жабрланувчи [REDACTED] қайтарилгани қайд этилсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги қайд этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу туман суди орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: [REDACTED]

